

## Риёзус солихийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 879-ҳадис

879 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا تَبْدَأُوا الْيَهُودَ وَلَا النَّصَارَى بِالسَّلَامِ، فَإِذَا لَقَيْتُمْ أَحَدَهُمْ فِي طَرِيقٍ فَاضْطَرُّوهُ إِلَى أَصَيْتِهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2167].

879. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яҳудий ва насороларга аввал салом берманглар. Кўчада улардан бирини учратсангиз, тор жойга юргизинглар», дедилар».

*Имом Муслим ривояти.*

**Шарҳ:** Қози Йёз айтади: «Бу тор йўлда уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, йўл четига ўтманглар, дегани. Бунинг маъноси уларни кенг йўлда учратсангиз, йўлнинг четига сиқиб чиқариб юборинглар дегани эмас». Бу фикрни Қуртубий ҳам қувватлаб, «Агар ундай қилинса, сабабсиз азият етказилган бўлади. Азият етказиш эса тақиқланган» деган. Имом Нававий: «Тор жойга юргизилса ҳам, чуқурга тушиб ёки деворга урилиб кетадиган даражада бўлмаслиги керак», деган.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI

